


«ТАСДИҚЛАЙМАН»
”Янгиқўрғон туман халқ таълими
бўлими-мудири”


А.Қаюмов

«28 » октябрь 2022 й

БУЮРТМАЧИ:

« Янгиқўрғон туман халқ таълими бўлими »

**“Бунёдкор” МФЙ-да жойлашган 63 – сонли умумий ўрта таълим мактаб
биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун**

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Янгиқўрғон шаҳри -2022 йил

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда № 3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1 “**Бунёдкор**” МФЙ-да жойлашган 63 – сонли умумий ўрта таълим мактаб биносини жорий таъмирлаш бўйича малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг бошлагич қиймати –**53955728 (эллик уч миллион туккиз юз эллик беш минг етти юз йигирма саккиз)** сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун.

1.4. Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “Янгиқўрғон туман халқ таълими бўлими” (бундан кейин - “Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 161200, Ўзбекистон Республикаси Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Янгиқўрғон шаҳари Наманган кўча 13 уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Янгиқўрғон туман халқ таълими бўлими” биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга малакали хизмат кўрсатиш бўйича белгиланган юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар ўзининг низоми ва лицензия асосида тақдим этган холда иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- Танлов савдо иштирокчиси тўғрисидаги умумий ахборот (Устав ва гувоҳномадан, таъсисчи ва раҳбарнинг шахсий ИНН си ва паспорт нусхалари).

-Танловда қатнашиш кунда Давлат солиқ инспекциясидан солиқдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома.

- Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги икки йиллик иш тажрибаси.

- Банк кафилиги бўлсин.

- Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари.

- Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати.

- Объектнинг жамланма жадвали, объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхати, объект қурилишининг шартномавий нархини белгилашда ишлатилган асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлари.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди:

- қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

«ТАСДІКЛАЙМАН»
”Янгиқўрғон туман халқ таълими
бўлими мудири”

А.Қаюмов

«28 » октябрь 2022 й

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Қабул қилувчи ташкилот	Янгиқўрғон туман халқ таълими бўлими
2	Буюртмачи	Янгиқўрғон туман халқ таълими бўлими
3	Буюртма учун асос	Нуксон далолатнома, Лойиха сметва ва экспертиза хулосаси
4	Объектнинг жойлашган манзили	“ Бунёдкор” МФЙ-да жойлашган 63 – сонли умумий ўрта таълим мактаб
5	Қатнашувчи учун талаблар	<ul style="list-style-type: none"> - Танлов савдо иштирокчиси тўғрисидаги умумий ахборот (Устав ва гувоҳномадан, таъсисчи ва раҳбарнинг шахсий ИНН си ва Паспорт нусхалари). - Танловда қатнашиш кунда Давлат солиқ инспекциясидан, солиқлардан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома. - Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги икки йилликда қилинган иш тажрибаси. - Коррупция кўринишига йўл қўмаслик бўйича ариза. - Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари. - Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати. - Объектнинг жамланма жадвали, объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхати, объект қурилишининг шартномавий нарҳини белгилашда ишлатилган асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нарҳлари.
6	Товар (иш хизмат маҳсулот) номи ва миқдори	“Бунёдкор ” МФЙ-да жойлашган 63 – сонли умумий ўрта таълим мактаб биносини жорий таъмирлаш
7	Иш тури	Бинони жорийтаъмирлаш
8	Хизматларни бажариш муддати	Шартномаларни имзолаган кундан бошлаб 10 кун муддатда
9	Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Хизматларни бажариш жараёнида ёнгин, саноат ва техника хавфсизлиги қоидаларига тўла риоя қилиниши шарт.
10	Молияташтириш манбаи	Янгиқўрғон туман халқ таълими бўлими бюджет маблағлари ҳисобидан.

Бош ҳисобчи:

У.Исломов

Иқтисодчи:

У.Абдувалиев

**Давлат харидлари ва шартнома
гуруҳи раҳбари:**

А.Абдуллаев